

## Фарзанд зинҳор ота-онаси билан хусуматлашмаслиги керак



16:23 / 05.01.2025 2880

لَا قَافٌ هُوَ أَبُو لُجَّهٍ رَهْطِي لِمَا صَدَّخْتُ خِزْيَةَ لِدَبْعِ نَبِيِّ رَمْعَانَ؛ نَمَّ حُرْلًا دَبَّعَ نَبِيَّ رُوصَانَ مَنَعَهُ  
هُمَّ عَمَّاقٍ هِيَ بَأْسُ عُمِّ سَلَجَيْدِ بْنِ لَيْلَى أَيْ دَخَّ أَدْوَلَ أَمَّا هِيَ دَيْ نَبِيَّ سَلَجِ نَبِيَّ حُرْمَةَ  
هِيَ بَأْسُ أُمِّ طَيْغَتٍ نَبِيَّ سُلَيْمَانَ لِقَافٍ هُوَ نَبِيَّ عَمَّاقٍ هِيَ بَأْسُ نَكَمِ سَلَجِ

Мансур ибн Абдуррахмондан ривоят қилинади:

**«Умар ибн Абдулазизнинг олдига бир киши ўғли билан хусуматлашиб келди. Иккиси унинг ҳузурига ўтиргач, Умар: «Мана бунинг ўрнига бирор киши йўқми?» деди. Яъни, ўғилнинг ўрнига отаси билан ўтирадиган одам. Шунда амакиси турди ва отасининг ёнига ўтирди. Сўнг ўғилнинг номидан хусуматлашди».**

**Ҳусайн айтади: «Бу иш отани улуғлаш учун қилинди».**

**Шарҳ:** Умар ибн Абдулазиз бешинчи рошид халифа ҳам дейилади. Ўзлари ҳижрий 100 санада халифа бўлганлар. Лекин халифа бўлиш муддати қисқа бўлса ҳам, шу қисқа муддат ичида машҳур чориёр халифаларнинг ишини қайта тиклашга, улар каби адолатли бўлишга ҳаракат қилганлар, Ислом оламининг барча тарафларига хайр-барака ёйилишига сабаб бўлганлар. У киши мусулмонларнинг буюк халифаси ҳисобланар эдилар. Бир куни Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурларига бир одам ўғли билан хусуматлашиб келибди. Яъни талашиб-тортишиб, ораларида ҳукм чиқаришни талаб қилиб келишибди.

Иккиси халифанинг қаршисига ёнма-ён ўтириб, маҳкамани кута бошлашибди. Умар ибн Абдулазиз улардан савол сўраб, ҳукм чиқаришлари керак. Аммо отанинг ҳурматидан ўғилнинг ўрнига бошқа бир киши хусуматлашишини истадилар. Шунда ўғилнинг ўрнига амакиси келиб ўтирди ва маҳқамада унинг номидан иштирок этди. Бу нарса отанинг эҳтироми учун, бола у билан тортишмасин, дея қилинди.

Шунинг учун фарзанд зинҳор ота-онаси билан хусуматлашмаслиги керак. Мабодо иложсиз ҳолга тушиб қолса ҳам, бошқа бировлар орқали одоб билан арзини етказиши лозим.

بِنِاطِلسُورِ دُنْعُ هَابَأُ لُجْرِلِ سِلْجُيْ نَأْ لِيْ عِيْطِقُ لِيْ تَهْتُنَا : لِقِرِنَسَحْلِلِ نَع

Ҳасандан ривоят қилинади:

**«Қариндошлик алоқасини узиш шу даражага етдики, ҳатто бола отаси билан тортишиб, қозининг олдига борадиган бўлди».**

**Шарҳ:** Яъни, ота-бола орасидаги беҳурматлик шу даражага етди.

Отаси билан бир нарса талашиб-тортишиш, унинг устидан қозига арз қилиш, қозининг олдига судраб бориб, «Менинг ҳақимни олиб бер», дейиш мусулмонлар учун обрў бўлмаганлигидан, яхши эмаслигидан мана шу гаплар айтилган экан.

Шу билан бирга, мусулмонларнинг дастлабки авлодларида бу каби ишлар бўлмагани ҳам ушбу ривоятдан англаб олинади. Вақт ўтиши билан, одамлар диний таълимотлардан узоқлашиши оқибатида шу каби салбий ҳолатлар пайдо бўлган.

بِنِاطِلسُورِ دُنْعُ هَابَأُ لُجْرِلِ سِلْجُيْ نَأْ لِيْ عِيْطِقُ لِيْ تَهْتُنَا : لِقِرِنَسَحْلِلِ نَع

Ҳасандан ривоят қилинади:

**«Қариндошлик алоқасини узиш шу даражага етдики, ҳатто бола отасини қозининг олдига олиб борадиган бўлди».**

**Шарҳ:** Бу ривоят аввалгисининг такрори экан.

Мусулмон умматига хос бўлмаган бу каби оқпадарлик ишларидан сақланишимиз лозим. Бунинг учун эса аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, диний таълимотларни тўғри йўлга қўйишимиз, саҳобалар авлодининг оналарига бўлган ҳурмат-эътиборидан ёшларимизга таълим беришимиз керак.

***«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.